

АЁЛЛАР СУМКАСИ УСТКИ ЧАРМЛАРИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ф. Усмонова, А.Ҳамитов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация. Ушбу мақолада тажриба ишларининг натижалари тажриба синов тадқиқотлари чарм ишлаб чиқариш корхонасининг тажриба-синов лабораториясида ўтказилди. Чармларни ошлаш жараёни бир ванналик классик усулда амалга оширилди. Саккизта вариант бўйича ишлов берилган аёллар сумкаси учун олинган намуналарнинг ғовақлик ва чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси кўрсаткичлари аниқланди.

Аннотация. В данной статье результаты экспериментальных исследований проведены в экспериментальной лаборатории кожевенного предприятия. Определены показатели предела пористости и прочности на разрыв полученных образцов женской сумки, обработанных по восьми вариантам.

Annotation. In this article, the results of experimental studies were carried out in the experimental laboratory of a tannery. The indicators of the limit of porosity and tensile strength of the obtained samples of women's bags, processed according to eight options, were determined.

Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган чарм турлари ассортиментини кенгайтиришда, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш юзасидан кенг қамровли чора – тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Ҳудудларда чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бунда, тайёр чарм маҳсулотларини 2,3 баробарга (3 463,5 млн кв. дмга), пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотларини 2,8 баробарга (318,6 млн жуфтга), чарм-атторлик маҳсулотларини 2,6 баробарга (270,0 млрд сўмга), чармдан кийим-кечакларни 2 баробарга ошириш..” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, маҳаллий тери хом – ашёлардан самарали фойдаланиш, юқори хоссаларга эга бўлган импорт



ўрнини босувчи ва рақобатбардош экспорт учун чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда [2].

Хайвон терисига технологик ишлов бериш жараёнида, кимёвий ишлов бериш билан бир қаторда, физикавий ва механикавий таъсир кўрсатиш натижасида дерма кўрсаткичларининг ҳам ўзгариши содир бўлади, хусусан, унинг ғоваклилиги сезиларли ўзгаради. Ғоваклилик тавсифининг ўзгаришини аниқлаш, уни миқдорий баҳолаш, технологик ишлов беришнинг турли босқичларида ғовакликларнинг ўлчами ва уларнинг яриммаҳсулот ва чармда тақсимланишини билиш берилган эксплуатация хоссаларига эга бўлган чарм олиш мақсадида технологик режимларни вариациялашда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чарм ва чарм тўқимасининг зичлиги, унинг ғоваклиги ва тўлдирилганлик даражасини белгилайди [3].

Технологик ишлов бериш босқичларида ғоваклик даражаси, уларнинг ўлчами ва чармда тақсимланишини билиш, жараёнлар параметрларини тўғри бошқариб, талаб этилган хоссалари чармларни олиш имконини беради. Аёллар сумкасига бўлган талабнинг ортиб бориши саноат мутахассислари олдига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш вазифасини юкламоқда [4].

Чарми намуналарини синов тадқиқотлари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси МЧЖ “Ўзбек Турк Тест Маркази”, билан ҳамкорликда, халқаро қабул қилинган синов услублари асосида олиб борилди [5]. Ўтказилган саккиз вариантли тажрибалардан олинган чарм намуналарида биз чармнинг сифат кўрсаткичи бўлган ғоваклиги, қаттиқлик, узилиш кучи, узилишда чузилиш, чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси ва сон қийматларини лабораторияда аниқлаб топдик.

Чармининг физик-механик кўрсаткичлари қуйдаги жадвалда келтирилган.
1-жадвал

Тажриба рақамлари	Қаттиқлик, гр.	Узил иш кучи, Н	Узилишда чузилиш, %	Чўзилишда мустаҳкамлик чегараси, 10 МПа
1	670	80,2	57,2	0,7
2	470	117,0	54,0	0,9
3	650	120,4	62,9	1,1
4	650	51,7	51,1	0,6



5	654	39,8	43,0	0,5
6	640	32,2	44,2	0,4
7	680	46,0	39,0	0,6
8	680	31,6	36,4	0,4

Бунда асосий омил олинадиган натижага сифат даражаси ва унга қўйиладиган талабларга боғлиқ.

Хулоса ўрнида: Табиий чарм структура элементларини чарм хажми бўйича жойлашуви, у ердаги капиллярлар ва ғовакларнинг характеристикалари тайёр чарм ва ярим тайёр чарм сифатига бевосита таъсир ўтказди. Саккизта вариантда ошлаш характеристикаларига эга бўлган синов намуналарининг сифат кўрсаткичлари комплекс тахлили учинчи вариантда ошланган, сўнгра иккинчи вариантда ошланган чармларнинг сифат кўрсаткичлари юқори эканлигини кўрсатди. Бу эса ошлаш жараёнида жараён характеристикаларининг оптимал қийматларини танлаш имконини яратиб бермоқда ва шу билан бирга чармнинг сифатини юқори даражада шакллантириш ечимини бермоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги ПҚ-143 “Чарм-поябзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

2.А.А.Головтеева, Д.А.Куциди, Л.Б.Санкин «Лабораторный практикум по химии и технологии» Москва Легпромбытиздат, 1987, 312 стр.

3.Leonova Ye.G. Issledovaniye texnologii vydelki shkur yaka s ispolzovaniyem belkovogo gidrolizata// Dm.V.Shalbuyev, N.V.Sovetkin. Kojevenno-obuvnaya promyshlennost/ №3-4, 2015, s. 4-5

4. И.П.Страхов и др. «Химия и технология кожи и меха». Учебник. М: Легпромбытиздат, 1985, 494 с.

5.info@uzttm.uz. СП ООО « Ozbek – Turk Test Markazi ».А.Е.Зельдина, Е.Ф.Кондратьков, К.М.Зурабян, В.А.Кутын .

